

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУБУЗАРЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИГА ДОИР АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Рузметов Дилмурод Султонович

*Тошкент шаҳар ИИББ ахборот технологиялари соҳасидаги
жиноятчиликка қарши курашиш хизмати ходими*

Аннотация: *Мақолада вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқубузарликларни барвақт олдини олиш муаммолари ва уларнинг ечимига доир айрим масалалар ўрганилган. Муаллиф вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқубузарликларни асл сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни таҳлил қилган. Бундан ташқари вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқубузарликларни барвақт олдини олиш муаммолари ва уларнинг ечимига доир айрим масалалар юзасидан илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *ҳуқуқбузарлик, профилактика, вояга етмаган, турмуш тарзи, урф-одат, мажбурият, ҳуқуқ, эркинлик, қонуний манфаат, чора-тадбир.*

ПРОБЛЕМЫ РАННЕЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ СРЕДИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ И МОЛОДЕЖИ И НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ, СВЯЗАННЫЕ С ИХ РЕШЕНИЕМ

Аннотация: *В статье рассматриваются проблемы ранней профилактики правонарушений среди несовершеннолетних и молодежи и некоторые вопросы, связанные с их решением. Автор проанализировал коренные причины преступности среди несовершеннолетних и молодежи и условия, которые делают ее возможной. Кроме того, разработаны научные предложения и рекомендации, касающиеся проблем ранней профилактики правонарушений среди несовершеннолетних и молодежи и некоторых вопросов, связанных с их решением.*

Ключевые слова: *правонарушение, предупреждение, несовершеннолетний, образ жизни, обычай, обязанность, право, свобода, законный интерес, мера.*

PROBLEMS OF EARLY PREVENTION OF DELINQUENCY AMONG MINORS AND YOUTH AND SOME ISSUES RELATED TO THEIR SOLUTION



Abstract: *The article discusses the problems of early prevention of delinquency among minors and youth and some issues related to their solution. The author analyzed the root causes of juvenile and youth crime and the conditions that make it possible. In addition, scientific proposals and recommendations have been developed regarding the problems of early prevention of delinquency among minors and youth and some issues related to their solution.*

Key words: *offense, warning, minor, way of life, custom, obligation, right, freedom, legitimate interest, measure.*

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ, хусусан, ички ишлар органлари тизимида ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг мамалакат ҳаётини бошқаришдаги ролини ошириш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида республикамизнинг энг олис ва чекка қишлоқларида ҳам таркибий тузилмаларига эга бўлган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг янги тизими шаклланди ҳамда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликларини ва жиноятчиликни олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича самарли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Пировардида бу каби ислохотлар ва саъй-ҳаракатлар ўсиб келаётган ёш авлодни тўғри тарбиялаш, уларни ватанга садоқат, она-юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш масаласи турибди десак янглишмаган бўламиз. Жумалдан, жамиятда содир этиладиган вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ҳамда уларнинг профилактикасини амалга ошириш тизимини жорий этилганлиги ҳам бу борадиги мавжуд муаммо ва камчиликларини бартараф этиш юзасидан юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланмоқда⁷.

Шуни ҳам такидлаш жоизки, фақатгина вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги вужудга келадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш вазифасини миллий гвардия органларининг⁸ вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

⁷ Мадийеров Ж.О., Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10401154>

⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни//URL: <http://www.lex.uz>



инспектори зиммасига юклаш ҳам айна пайтда соҳада бўшлиқ ва камчиликларни вужудга келтиради.

Қолверса, бу каби вазифаларни адо этишда ҳар бир вояга етмаганлар ва ёшлар билан алоҳида индивидуал ёндашишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида жамият эҳтиёжи ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорликни турли йўналишлари, шакл ва усуллари қўллашни назарда туттади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг барвақт олдини олиш соҳасини ташкил этилиши биринчидан, жамиятда зид турмуш тарзи кечирувчи шахслар ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар ва вояга етмаганларни ўз вақтида аниқлашга, иккинчидан, шахсдаги ғайриижтимоий хулқ-атворни ижобий томонга ўзгартиришга ҳамда ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилишга, учинчидан, фуқароларни жиноятлардан, шу жумладан турли кўринишдаги жиноятлардан жабрланишини олдини олишга, тўртинчидан, вояга етмаганлар ўртасидаги низоларни бартараф этиш ва уларни олдини олишга қаратилган кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий чораларни амалга оширишга имкон беради⁹.

Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ҳамкорликни ташкил этиш жараёнида юзага келадиган муаммолар ҳақида сўз юритилар экан, бу борада қандай чоратadbирларни амалга ошириш, қандай тажрибаларни қўллаш самарадор бўлиши тўғрисидаги саволлар пайдо бўлиши табиий ҳолдир. Ҳусусан, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти жараёнида аниқланадиган ҳар қандай қонун бузилиш ҳолатларига мурасасизлик хиссини шакллантириш, шунингдек қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммолар ечимсиз қолмоқда¹⁰. Бу эса тизим фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қиладиган замонавий механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни назарда тутмоқда.

Ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш жараёнида тегишли масъуллар фақатгина улар билан яқка тартибдаги тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб боради ва унинг ота онаси ва васий ҳамда ҳомийлари билан профилактик чора тadbирларни амалга

⁹ Ризаев Х.А. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органларининг тутган ўрни. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6563121>

¹⁰ Исмаилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 15.



оширади ва ўз ваколатлари доирасида маъмурий чекловлар, таъқиқларни ва жазо чораларни амалга оширади.

Бугунги кунда вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш жараёнида улар билан олиб борилаётгани тушинтириш ишларида ва ўзига хос таъсир чораларини қўллаш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Албатта, бу каби таъсир чорларини қўллашни амалга ошириш учун алоҳида вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш учун марказий бошқарув аппаратларида эмас, балки ҳар бир маъмурий ҳудудий бирликларда вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишларни амалга ошириш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу каби бўшлиқ муаммоларини ўз вақтида бартараф этилмагани ҳудудий масъуллар зиммасига ўз ваколатларидаги вазифалардан ташқари қўшимча равишда вазифаларини келтириб чиқарётганлиги ўз вазифаларига вақт ажратиш учун қулай шароитларни яратиб бераётганлиги билан изоҳланади. Бунинг ёққол исботи сифатида касбий бузилиш ва бу борадаги муаммоларни келтириш мумкин.

Таҳлилларга асосланиб таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларининг масъул ходимлари вояга етмаганлар назоратсизлиги ва қаровсизлиги билан боғлиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда шикоятларини ўз вақтида қонуний қўриб чиқишга ва уларга қонуний ва амалий ёрдам беришга алоҳида индивидуал ёндашмаётганлиги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Энг ачинарлиси шуки, вояга етмаганлар ва ёшлар билан улар томонидан содир этилган ва келгусида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш, шунингдек унинг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини ўрганиш юзасидан етарлича ёндашилмаётганлиги ва уларга нисбатан таъсир чоралари ҳамда назорат қилиш каби муҳим масалаларга умумий ваколат доирасидаги вазифа ва мажбуриятлар қўплигидан вақт етишмаслиги натижасида қўлланилаётган таъсир чоралари ва олиб борилаётган профилактик ишлар ўз аҳамиятига кўра самарасиз бўлиб қолмоқда.

Маълумки, келгусида вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни такроран ва қайта содир этган тегишли давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурдир. Қолган барча ҳолатларда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар ваколатлари доирасига тегишлилиги бўйича амалга оширилади.



Яна бир муомма ва камчиликлар шундан иборатки ҳокимият органлари, халқ таълим вазирлиги, меҳнат ва бандлик органлари томонидан ёшлар ва вояга етмаганларни бўш вақтларини самарали ва фойдали меҳнат фаолияти билан ёки таълим жараёнининг узлуксиз давом этишида уларни мунтазам қатнашишини таъминлашлари лозим.

Муаммо шундаки мактабларнинг 25-30%да спорт заллари мавжуд эмас, амалдаги мавжудалари ҳам қайта реконструкцияга муҳтож ҳисобланади. Барча мактабларда спорт заллари бўлганда ҳамда уларда вояга етмаган ёшларимиз ва аҳоли бўш вақтларида унумли фойдлансалар мамлакатмизда ҳуқуқбузарлик содир этадиган ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёшларимиз анча камайган бўларди ва халқимиз биздан янада кўпроқ мамнун бўлар эди.

Шу боисдан вояга етмаганалар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олидини олиш ва профилактикасини амалга ошириш жараёнида уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришга доир беш ташаббуслардан театр ва бадий саънат, мусиқа, спорт ва ривожланган ахборот технологияларига нисбатан қизиқишларини орттириш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим.

